



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1998 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
саноат газетаси

№ 112 (9.150)

1998 йил

23 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин нархда



ТОШКЕНТДА ЖАҲОН СИМФОНИЯСИ ЯНГРАМОҚДА

**Маълумки, муқталиб
юртимизда мусиқа
санъатини ривожланти-
ришга ҳам жуда катта
эътибор берилмоқда.
Вазирлар Маҳкамасининг
қарори билан Тошкент-
да Халқаро симфоник
мусиқа фестивали ўткази-
лаётганлиги бунинг
яна бир ёркин далили-
дир. Унда композиторлик
ижодиёти кенг тараккий**

ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

да АҚШ, Франция, Корея,
Хитой, Таиланд, Туркия дав-
латлари вакиллари билан бо-
лиги фестивал нфузуни о-
ширади.
Утган йили Самарқанд

бирига боғланиб, уйғунла-
шиб кетаётганлигидан дарак
беради.

Ўзбек санъаткорлари,
ижодкор ёшлар хорижий мам-
лакатларда ўтказилган турли
мусиқий анжуманлар, халқа-
ро танловларда муваффақият
билан қатнашиб, Ўзбекистон
санъатининг шон-шувратини
ошириб келаётганлигини ало-
ҳида мамнуният билан қайд
этиш лозим.

ДУНЁ МУСИҚАЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Халқаро симфоник муси-
қа фестивали муносабати
билан

КЕЧА

**Республика бастакорлар
ушумасида матбуот кон-
ференцияси бўлиб ўтди.
Унда республикамиздаги
таникли композиторлар**

қаси чамбарчас боғланиб
кетган. Мамлакатингизга кели-
б ҳақиқий шарқ меъмор-
чилиги ва маданиятини кўри-
б қувондим. Раҳбариятин-
гиз бугун симфоник
мусиқага эътибор бериб,
шундай фестивал ўтказаят-
ган экан, албатта эртага бу
соҳада маълум бир ўзга-
ришлар бўлади. Ушбу фе-
стиваль бунга катта ёрдам
беради.

Мен фестивалда чолғу
оркестри учун мўлжалланган
«Кичкина симфония» деб
номланган асарини тақдим
эмоқчиман. Бу асар тўрт
бўлимдан иборат бўлиб,
асарда бирон бир воқеа
тавсирланмайдиган, балки но-
зик мусиқанинг ички хусу-
сиятлари намоён этилади.
Уйламанки, Ўзбекистондан
юртимга кўпгина таассурот-
лар билан қайтман.

● Янги ТУРА,

Туркия

Республикасида,

Туркия хусусий

консерваториясининг

муаллими. 50 дан ортиқ

фильмларга мусиқа

ёзган. «Олтин апельсин»

мукофоти соҳибдори:

— Ўзбекистонда ушбу

фестивалининг ўтказилиши

эшитиб жуда қувондим. Чунки

мен ўзбек миллий муси-
қасини янада чуқурроқ би-
лиш ниятида эдим.

Албатта ўзбек мусиқала-
рини туркиёликлар жуда яхши

кўриб тингашади. Бу

икки халқнинг бир-бирига

ўхшаш жиҳатлари кўп. Шу

сабаб ҳам мен Ўзбекистон-

**санъаткорлар ва шунинг-
дек бошқа давлатлардан
ташириб буюрган шу со-
ҳа мутахассислари ишти-
рок этишди.**

Маъмур анжуманда сўзга
чиққанлар симфоник муси-
қанинг ҳаётимизда тутган
урни, шунингдек халқлар
ўртасидаги дўстликни муста-
ҳкамлашнинг яна бир
қирраси сифатида таъриф-
ладилар. Ваҳоланки, сим-
фоник мусиқа бир неча ас-
рлардан буюн ўз жилосини,
инсонлар қалбидида ҳаро-
ратини йўқотганича йўқ.
Миллий, аънавий симфо-
ник мусиқа яратилган ўзбе-
кистонлик бастакорлар ва
санъаткорлар бир талай
ижобий ишлар олиб бора-
ётганлиги ҳеч кимга сир
эмас. Айниқса истиқлолдан
кейин яратилган асарлар
фикримиз далилидир. Шу
босқидан фестивалда ижро
этилаётган асарларнинг
асосий қисми мустақилли-
гимиздан кейин яратилган
асарлардир. Ушбу фе-
стиваль Ўзбекистонда сим-
фоник мусиқани янада ри-
вожлантиришга унинг янги
қирраларини очилган катта
аҳамиятга эга бўлади.

Ийгилишда Республика
Бастакорлар ушумаси раи-
си Рустам Абдуллаев, ма-
даният ишлари вазирлиги
ўринбосари Отаназар Ма-
текубов ва бошқалар жур-
налистларнинг берган са-
воаларига атофлича жа-
воб бердилар.

Биз матбуот конферен-
циясидан сўнг фестивал
қатнашчилари билан су-
хбатда бўлдик.

● **Пётр ЧАЙЛД,**
Америка Қўшма
Штатларидаги
Массачусетс технология
институтининг мусиқа ва
театр санъати
факультетининг бўлим
бошлиғи:

— Сизнинг мамлакатин-
гиз тарихи ҳақида жуда кўп
материал эшитганиман. Уни-
нг тарихи билан халқ муси-

қа келиб ўз юртимга келган-
дек бўлдим. Ушбу фестивал-
нинг Туркия — Ўзбекистон дў-
стлигининг яна бир қирра-
си сифатида қабул қилиш
мумкин. Мен фестивалда
симфоник оркестр учун
«Такката» асари билан қат-
нашмоқдаман. Уйламанки,
бу асарим ўзбекистонлик
мусиқа шинавандаларига
маъқул келади.

● **Серик ЕРКИНБЕКОВ,**
Қозғистон
Республикасида хизмат
қурсатган санъат
арбоби, Қозғистон
Бастакорлар
ушумасининг раиси:

— Ўзбекистонда ана шун-
дай фестивал ўтказганлиги-
ни эшитиб жуда хурсанд бўл-
дим. Чунки яқинда Варшава-
да ҳам ана шундай мусиқа
фестивалида иштирок этиб
кайтган эдим. Албатта санъат
ҳамиша халқлар ўртасида дў-
стлик ришталарини боғлаб,
инсонларнинг руҳий кечинма-
ларини бир-бирига яқинла-
штириб туради. Ўтказилаётган
фестиваль яхши аънаъга
айланиб қолади ва халқлар
ўртасидаги дўстлик ришталари-
ни янада мустаҳкамлашга
хизмат қилади.

Одил ХАСАНОВ.

Шундан сўнг зал узра Ўз-
бекистон Республикаси
маданияти янгради.

Симфоник мусиқа кон-
цертида Ўзбекистон симфо-
ник оркестри, Ўзбекистон
хор капелласи ва Мухтор
Ашрафий номидида Тошкент
Давлат консерваторияси
Мусиқали театр-студияси
хор жамоаси ижросида
ёқимли, қудратли товушлар
оркестр жўрлигида дўст-
лик дастури янгради. Кон-
церт дастури ранг-баранг.
Фестиваль доирасида ўткази-
лган илк концерт дасту-
рида М. Бурхонов, Р. Аб-
дуллаев (Ўзбекистон), Н. Ба-
кри (Франция), Т. Шахидий
(Тожикистон), П. Чайлд
(АҚШ)ларнинг симфоник
асарлари ижро этилди.

Тадбир дастурига кўра
олтита симфоник ва камер
концерти ижро этилади.
Меҳмонлар ўзбек ижодкор-
ларининг энг яхши асарла-
ри билан танишадилар. Айни
пайтда мамлакатимиз
мусиқа илосмандлари жа-
ҳон композиторлиги ижоди-
ятининг энг яхши намуна-
ларини тинглашга мушарраф
бўладилар. Фестиваль дои-
расида «Миллий аънавлар
ва замонавий композитор-
лик ижодиёти» мавзuida
давра суҳбати ўтказилади.
Мусиқа фестивали бир ҳаф-
та давом этади.

Маросимда Президент-
нинг Давлат маслаҳатчиси
Нарзулла Жўраев қатнашди.
Маъмура РЎЗИЕВА.

СУРАТЛАРДА: Халқаро
симфоник мусиқа фести-
валнинг тантанали очилиш
маросимидан лавҳалар.

Рашид Галиев

олган суратлар.

таси чакана савдога жуда ҳам
чекланган миқдорда чиқа-
рилади, шу босқидан бир ой
дейсизми, бир чоракками,
ярим йилгами ёки бир йилга
буна бўлсангиз шаҳар
ҳаётига оид бўлган ҳамма
керакли, зарур ва фойдали
ахборотлардан ўз вақтида
хабардор бўласиз.

Яна шу нарсалар эътиборингизни
қаратмоқчимиз: кел-
гуси йил учун «Оқшом» газе-
таларига обуна тартиби

Обуна — 99

«ОҚШОМ» — СИЗНИНГ ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ

бир мунча ўзгарди. Энди яқин тарафдаги обуначилар
ва идоралар учун обуна алоҳида тарзда расмийлаш-
тирилади.

Энди «Тошкент оқшом» газетасининг (фақат Тошкент
шаҳри аҳолиси учун) 1999 йил учун обуна нархлари билан
танишинг:

— Яқин обуначилар учун — индекс — 209

Уй манзилга Абонент кутисига

● 1 ойга — 196 сўм 172 сўм

● 3 ойга — 588 сўм 516 сўм



БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам
Каримов Жаҳон банкининг вице-президенти Иоханнес Лиг-
н бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам
Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкило-
ти Бош қотиби Жанкарло Арагонани қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам
Каримов Чирчиқдаги ўқув марказида тантанали очилган
«Марказийсиёбатальони-98» тинчлик ўрнатуви қула-
ри машқлари иштирокчиларига табрик йўллади.

● Давлатимиз раҳбарияти илм-фан, таълим соҳа-
сида турли мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан
ҳамкорлиқни кундан-кунга ривожлантирмоқда. Шу му-
носабат билан Тошкентда Президентнинг иқтидорли ёш-
ларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш
«Умид» жамғармаси билан БМТнинг Тараққиёт Дастури
ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

● Республика матбуотида Ўзбекистон Республикаси-
нинг «Қимматли қорғазлар бозорига депозитарийлар
фаолияти тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармо-
нига кўра Қайим Ҳаққулов солиғи ёмонлашганлиги му-
носабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-
нинг ўринбосари — Нефть ва газ саноати Миллий кор-
порацияси бошқаруви раиси вазири билан овоз эшди.

● «Ўзбекнефтегаз» Миллий корпорацияси иштирок-
чиларининг бўлиб ўтган йилги ишлари ҳақидаги ҳисоб-
хисобларига таърифи қилди.

● Кеча Тошкентда «Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат»
халқаро туристик кўргазмаси очилди.

● Республика Байналмилал маданият марказида мам-
лакатимизда ўтказилаётган Корея Республикаси мада-
нияти кунлари доирасида таникли корей ва ўзбек му-
савирларининг ҳамкорлигидаги кўргазмаси очилди.

● Самарқандда «Бозорни инновациялаштириш ҳам-
да кенгайтиришда кичик ва ўрта корхоналарнинг ўрни»
мавзuida халқаро семинар иш бошлади. Уни Фан ва
техника давлат қўмитаси НАТОнинг Илмий қўмитаси ҳам-
да Италиянинг «Рома Ричерке» консорциуми билан ҳам-
корликда ташкил этди.

● Жиззах шаҳридаги лицейлар яна биттага кўпайди.
Бу ерда Ўзбекистон Бадиий академиясининг тасвирий
ва амалий санъат лицей-интернати иш бошлади.

● Нурота туманидаги Файзулла Ҳужаев номи жамоа
ҳўжалигида Ўзбекистон қоракўлчиларининг кимосиди сав-
доси бўлди.

● Навоий вилоятида футболни ривожлантириш жам-
ғармаси ташкил этилди.

● Кеча Душанбеда Тожикистон Президенти Имомали
Раҳмонов жаҳон исмоилшуносларининг етакчиси Имом
Карим Оғохон IV ни қабул қилди.

● Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий толибонлар
билан ўз берган можарони тинч йўл билан ҳал этиш
тарафдори эканлигини билдирди. Бироқ толибонлар яна
икки Эрон фуқаросини қамоққа олиб, ўз қўл остидаги
эронликлар сонини 42 нафарга етказишди. Муҳаммад
Хотамий уруш олдини олиш учун бутун қуч-қайратини
сарфламоқчи эканлигини билдирди. У БМТга мурожаат
қилиб, толибонларга таъсир кўрсатишни илтимос қил-
ди.

● Россия Федерацияси давлат статистика қўмитаси-
нинг хабарига кўра 1 сентябрдан 14 сентябргача Рос-
сиядаги истеъмол нархлари 43,3 фоизга кўтарилди.

● АҚШнинг НАСА аэрокосмик агентлиги Россиянинг
космик агентлигидан 660 миллион долларгача ҳажмда-
ги товарларни сотиб олишни ва хизмат кўрсатишни ре-
жалаштирмоқда.

● Утган ақшанба кунини риксат (парламент)га бўлиб
ўтган сайловларда Швеция социал-демократлари бор-
йўғи 36,5 фоиз сайловчилар овозини олишга эришди-
лар. Бу 1994 йилги бўлиб ўтган сайловлардагидан 8,8
фоиз камдир. Энди коалицион ҳукумат тўғрисидаги ма-
сала кўндалдан бўлиб қолди.

● Эрон парламенти аёлларга полицияда хизмат қи-
лишга рухсат бериш ҳақидаги қонунни қабул қилди. Ян-
ги қонунга кўра, аёллар полицияга қабул қилинаётган
пайтда ислом талабларига риоя этиши шарт.

● Россиянинг Думадаги «Яблоко» фракцияси етакчи-
си Григорий Явлинский юрак хуружи ташхиси билан
касалхонага ётқизилди.

● Челябинск вилоятида хизмат қилаётган ички хиз-
мат сержанти Виталий Пряхин номалум сабабларга
кўра ўз хизматдошларига қарата ўт очиб, кейин гоёиб
бўлган. Бунинг оқибатида икки киши ҳалок бўлган, бир
киши касалхонага ётқизилган. Ҳозир жиноятчини қиди-
риш ишлари олиб боришмоқда.

● Ригада «Арсенал» номи билан аталувчи халқаро кино-
фестиваль очилди. Унда Европа, Осиё, Америка ва Австра-
лиядан келтирилган 149 та фильм намоёйиш этилади.

● Хиндистон билан Покистоннинг ҳечарасидидаги Каш-
мир теграсида бўлиб ўтган янги қонли тўқнашулар
пайтда камда 9 киши ҳалок бўлган. Асосан тинч аҳо-
ли бу тўқнашуларнинг қурбони бўлган.

● 6 ойга — 1176 сўм 1032 сўм

● 1 йилга — 2352 сўм 2064 сўм

— Идоравий обуначилар (фирмалар, корхоналар
ва ташкилотлар) учун — индекс — 563

Уй манзилга Абонент кутисига

● 1 ойга — 349 сўм 305 сўм

● 3 ойга — 1047 сўм 915 сўм

● 6 ойга — 2094 сўм 1830 сўм

● 1 йилга — 4188 сўм 3660 сўм

Обуна расмийлаштириш учун маълумотларни 133-67-
71 (ёпиқ турдаги «Матбуот тарқатиш маркази» акциядор-
лик жамияти) ва 133-29-70 (тахририят) телефонлари ор-
қали олишингиз мумкин.

Пойтахт аҳолиси учун обуна барча алоқа бўлимларида
расмийлаштирилади. «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Таш-
кент» газеталари бутун республика бўйича ҳам тарқатила-
ди. Тошкентнинг «Оқшом» газеталарига обуна қондалари
ва обуна нархини республика шаҳарлари, қўрғонлари ва
вилоятларининг аҳолиси ўзлари истикомат қилаётган
жойдаги ёпиқ турдаги «Матбуот тарқатиш маркази» акция-
дорлик жамиятининг бўлимларидан билиб олишлари мум-
кин.

Шундай қилиб, азиз дўстлар, ўзингиз севган ва
қадрлаган «Тошкент оқшом» газетасига обуна бў-
лишга шовилинг!



«Тошкент оқшом» газетасининг садоқатли дўст-
лари ва кадрли муштарийлари!

1999 йил учун обуна мавсуми ҳам бошланди. Биноба-
рин агар сиз:

— шахримизда, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бе-

раётган энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлай десан-
гиз:

— пойтахтимиз ҳаётининг турли жабҳаларида, яъни иқ-
тисодиётда, соғлиқни сақлаш соҳасида, капитал қурили-
шида, ижтимоий соҳада, маданий ҳаётда, халқ таълими
соҳасида ва бошқа кўпгина соҳаларда юз бераётган ўз-
гаришлар ҳақидаги ахборотларни билай десангиз;

— ҳафталик «Ойна жаҳон» дастурига эга бўлай десан-
гиз;

— ҳуқуқшунос, руҳшунос, педагог, боғбон ёки косме-
тологнинг малакали маслаҳатини олай десангиз;

— дам олиш онларингизда турмушда сабоқ бўладиган
воқеалардан ўқиб ўзимга хулоса чиқарай десангиз; ёхуд
бошқотирма машқларини бажарай десангиз;

— «Тошкент оқшом» газетасига обуна бўлишга
шовилинг!

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшом» газе-
таси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқа-
рилади, шу босқидан бир ой дейсизми, бир чоракками,
ярим йилгами ёки бир йилга буна бўлсангиз шаҳар
ҳаётига оид бўлган ҳамма керакли, зарур ва фойдали
ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўласиз.

Яна шу нарсалар эътиборингизни қаратмоқчимиз: кел-
гуси йил учун «Оқшом» газе-
таларига обуна тартиби

— Яқин обуначилар учун — индекс — 209

Уй манзилга Абонент кутисига

● 1 ойга — 196 сўм 172 сўм

● 3 ойга — 588 сўм 516 сўм



1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Филология

Зиёкор олимпиа

Зиё таратмоқ учун одамнинг ўзи ёлқин бўлиб ёнмоғи керак. Ана шундай ёлқин бўлиб ёниб, бутун илмий ижодини фан йўлига, зиё тарқатишга бахшида этиб келаётган ўстоз мураббийлардан бири Валида Рахмоновадир.

Мана салкам ўттиз йилдирки, бир вақтлар ўзи билим олган муқаддас даргоҳ — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида очик чехра, майин табассум билан кириб келади. У ёшларга сабоқ бераётганидан, ҳаётини, қалб-қўри ва кўз нурини зиё тарқатишдек олижаноб ишга сарфлаётганидан бениҳоят шоддир.

Валидаҳон меҳнат фаолиятини психология кафедрасида ассистентликдан бошлаб, кейинчалик олигофренопедагогика кафедрасига мудирлик қилди. Дефектология факультети сиртки бўлими декани вазифасида ҳам ибратли ишларни амалга оширди. Бир неча йилдан бери эса университетнинг таърибали доцентларидан бири ҳисобланади.

Шу нарса диққатга сазоворки, Валида Рахмонова педагогик фаолиятини илмий изланишлар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бормоқда. У биринчи бўлиб «Ўзбек тилидан логопедия», «Она тили методикаси», «Дефектология асослари», «Мутахассисликка кириш» каби катта ҳажмдаги курсларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этди. Дефектология фанининг муҳим ва долзарб масалаларини мустақил тадқиқ қилишга қатъий киришиб, ёрдамчи мактаблар учун ўзбек тилида махсус дастур ва дарсликлар, услубий қўлланмалар яратди. 1986 йилда «Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш» мавзусида фан номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган Валида Рахмонова ўтган йиллар мобайнида ўттиздан зиёд илмий ишларини нашр



қилдирди. Кўпгина илмий тўплам ва журналларда илмий-оммабоп мақолалари билан фаол қатнашди. Буларнинг ҳаммаси ўқувчи ва талабаларга логопедия, дефектология фанлари сирларини ўрганишда жуда қўл келмоқда.

Валида Рахмонова жамоат ишларида, турли илмий анжуманларда ҳам фаол иштирок этмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги дефектология кенгашининг аъзоси ҳамдир. Бу тиниб-тинчимас олимпиада бир неча йилдирки, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳам дарс бериб, кўпчилиكنинг хурматига сазовор бўлаётди.

Эртанги тақдиринг бугунги ниятинга боғлиқ, дейди халқимиз. Айни ижодий камолотга эришган Валида Рахмонова ҳам таълим-тарбия тизимида ислохотларнинг жорий этилишига муносиб ҳисса қўшиб, ўзи севган фан сирсиноатларини мустақил республикамиз ёшларига қўнғ ва сабот билан ўргатиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мос келадиган янги, мукаммал дарслик ва қўлланмалар яратиш мақсадида изланиш олиб бормоқда.

Зиёкор олиманинг дилига тугиб қўйган эзгу ниятлари, муштарак мақсадлари рўёбга чиқишга тилақдошимиз.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Одамзот ҳаётида бир умр эсда қоларли, ёддан чиқмайдиған дамлар, юрагининг тубида эса ҳеч қачон унутилмас улуг ва азиз сиймолар мутассамланғандир. Ана шундай эсдан чиқарилмас, кишини доимо энтиктирадиган азиз сиймолардан бири биринчи муаллим бўлса не ажаб. Ҳамшаҳарларимизга «Биринчи муаллимнингизни эспайсизми, уларнинг қайси ҳислатлари хотиранигизда из қолдирган дея мурожаат қилганимизда уларнинг аксарияти биринчи муаллимларини жуда яхши эспашларини, ҳаттоки ҳаётда ҳам улардан ибратли ишларни ўрганганликларини таъкидлаб ўтишди. Қуйида уларнинг айримлари билан танишинг:

● Саида

ТИЛЛАБОВА,
35 ёш, ҳисобчи:
— 1964 йилда илк бор мактаб остонасига қадам қўйганимда мени бирин-

тишга ҳаракат қилдим.

● Лобар АХРОРОВА,
«Юлдуз» коллежи
1-курс талабаси:
— Мен ўзимнинг биринчи муаллимимни худди

ланади. Тўғри, мен биринчи севглим ким бўлганлигини, у синфдош қизми ёки кўшни қиз эканлигини анқ хотирлай олмаслигим мумкин, аммо айнан биринчи муаллимимни доимо қалбим тўрида сақлайман. Кейинчалик ҳам бу инсон худди ота-онам сингари энг улуглардан бири бўлиб қолаверди.

● Вилот

ТОЖИБОВА.

25 ёш, тижоратчи:

— Биринчи муаллимим Мақсуда Абдуллаевани жуда ҳурмат билан тилга оламан. Улар менинг ҳаёт йўлимдаги илк ёрқин чироқни ёққан улуг сиймолардан биридир. Мен муаллимимнинг қизи билан бир хонадонда овсин бўлиб яшаганлигим туфайли ҳам у одамдан оналарча меҳр ва йўл-йўриқларни олдим. Мақсуда онанинг ҳидий ва талабчанлигини, шу билан биргаликда инсонпарвар ҳамда меҳр-оқибатли эканлигини қадрлайман.

Биринчи муаллим, меҳрибон ўстоз ҳақида ҳар қанча гапирсакда оз. Ҳеч бир инсон муаллим соғина бевақт оралаган оқлар, юзида пайдо бўлган ажинларда озми-кўпми ўзининг ҳам бебеш, ўйинқароқ болалиги из қолдирганлигини инкор этмас керак.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА
ёзиб олди.

Биринчи муаллимнингизни эспайсизми?

чи ўқитувчим — Тамара опа кучоқ очиб қутиб олган. Синфда барча ўқувчилар орасида менинг ҳусниҳатим чироили би-роқ, бироз имло хатолар билан ёзар эдим. Мана шу биринчи муаллимимнинг талабчан ҳамда болажонликлари туфайли беҳато ёзишга ҳам ўргандим. Ва мактабда ўтказиладиган «Энг чироили ва беҳато имло» танловларида доимо биринчи ўринда иштирок этадиган бўлдим. Албатта бунинг биринчи мураббийимнинг ютуғи деб ўйлайман. Кейинчалик ўзим ҳам болажонлигининг ёзувини чироили ва беҳато бўлишига эришиш мақсадида ўқитувчим менга қай даражада талабчан шу билан бир қаторда болажон бўлган бўлса мен ҳам шундай йўсинда иш ту-



Шаҳримиздаги 179-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Фарида Мирзосупова 27 йилдирки кичиктоиларга сабоқ бериб келмоқда. У «Ўзбекистонда хизмат қўсатган ёшлар мураббийи» фахрий унвони соҳибдас.

СУРАТДА: муаллима ўзининг 1-синф ўқитувчилари билан.

Равиль Альбеков олган сурат.

Жамиятимиз тараққий этгани сари малакали кадрлар тайёрлаш, демакки, ўқиш-ўқитишга бўлган эътибор тобора кўчмоқда. Бу эса педагогик касби нуфузини янада оширди. Шунга кўра бугунги кунда Низомий номи Тошкент Давлат педагогика университети талабаси-бўлиш қатта бахт бўлиб қолди. Бу бахт мазмунини билан ўртоқлашиш мақсадида биз ушбу ўқув масканида бўлиб, талабаларга «Нега муаллимлик касбини танладингиз» дея савол бердик. Қуйида талабалар жавобларидан айримларини келтирдик.

● Ирода АСОМОВА,
математика факультети талабаси:

— Муаллимлик касбига иштиёб менда мактабда ўқиб юрган кезларимда пайдо бўлган. Математика ўқитувчимиз Соҳида опа Иноғомова назаримда мактабимизнинг энг яхши ўқитувчиси эди. У кишининг болаларга ўқитиш услуби, ўз фанини қуқур билиши, дарсини тушунтира олиш борасидаги камёб қобилияти нафақат мени, балки синфдошларимни ҳайратга соларди. Мен у кишига ўқаш учун муаллимлик касбини танлаганман.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин телекоммуникация тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди.

Ҳозирги кунда «Бўстон», «Бўстел», «Интер», «Коском», «Ўздунробита» каби телекоммуникация тизимлари шаҳримиз ва республикамизнинг барча вилоятларида телефон станциялари, радио, телевидение марказларини очибди фаол қатнашмоқда. Бу эса албатта тармоққа етук юқори малакали мутахассисларни талаб қилади. Ана шу кадрларнинг асосий қисмини Тошкент электротехника алоқа институти етказиб беради. Ўтган йили институт қошида лицейнинг очилиши эса ушбу олий ўқув юртига ўқувчиларни тайёрлаб беришда ўз улушини қўшади, албатта.

— Ўтган йили лицейимизга республикамизнинг барча вилоятлари ва шаҳримиздан 90 нафар 10-синфга ўтган ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиб олган эдик, — дейди унинг директори Нодир Хўжаев. — Бу йил ҳам 90 нафар ўқувчининг 60 нафарини қишлоқлардан олдик. Сабаби мамлакатимизнинг истиқлол йилларида айниқса жойларда телекоммуникация ривожланиб бормоқда.

ди. Ўқитувчи ҳатто ўз ўқувчиларидан ҳам нималарнидир ўрганиб боради. Ана шундай мазмунли умр эгаси бўлиш учун муаллимликни танладим.

● Лобар ШОМАНСУРОВА,
музыка факультети талабаси:

— Гапни ўз соҳамдан бошламан. Музика санъатлар орасида энг нафиси са-

● Аскар САЛОҲИДДИНОВ,
биология факультети талабаси:

— Менинг дадам ўқитувчи эдилар, ҳозир пенсияда. Бу касбнинг қанчалик машаққатли эканидан оз бўлса-да хабарим бор. Аммо у киши бирор марта ҳам ўқитувчиликни танлаганидан нолимаган, аксинча, бу касб эгаси бўлганидан фخرланиб юради. Бунинг даданинг туғилган куни ёки касб байрами кунлари билса бўлади. Шу кунлари уйимиз байрам тўсини олади: даданининг собиқ ўқувчилари, турли соҳадаги, турлича лауозимдаги одамлар даданинг гулдасталар кўтарганча қутлашга келишади. Дадам кўзларидан шу дамларда қалқиган ёш у кишининг бахти-рамзидай қўрилади. Бундай кунларда қўча-қўйлардаги ҳурматини айтмайсизми? Шундай умр кечирини оруз қилмайдиган инсон бўлмас керак.

Абдумалик
АБДУРАҲМОНОВ
ёзиб олди.

Ўқувчиликка интилиб

● Лутфулла ҒУЛОМОВ,
кимё факультети талабаси:

— Муаллимлик — фахрли касб. Ҳамма замонларда билим берувчиларга ҳурмат назари билан қарашган. Ахир ёшларга илм ўргатиш, уларни тўғри, ёруғ йўлга бошлаш, қобилиятларини кашф этиб бориш қанчалар мураккаб иш бўлмасин, ўзига хос завқли ҳам. Ана шу завқлини замирида ҳақиқий муаллим учун доимий изланиш, мунтазам ўқиб-ўрганиш ёта-

налади. Унга ошно бўлган қалб, тарбияси у билан сугорилган инсондан сира ёмонлик чиқмайди. Бундай инсонни тарбиялаш учун муаллимнинг ўзи ким бўлмоғи керак? Сўзсиз у буюк инсон номига лойиқ. Бу гапим билан бошқа соҳа муаллимларини камситмоқчи эмасман. Зеро ўқитувчи сўзи ҳамма жойда бирдай қадри. Бундай улуг номга интилиб ўқиш, талпиниб яшаш менинг асосий мақсадим.

Уларни келажакда замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар билан таъминлаш бизнинг институтимиз зиммасига тушади. Ўқув масканида математика, физика, чет тили, она тили, информа-

Юртбошимиз кўплаб катта-катта йиғилишларда ёшларни мустақил фикрлашга ўргатишга ҳақиратлар. Лицейимизнинг асосий мақсади ҳам ана шунга йўналтирилган. Ўқувчиларни мушоҳада юритишни, дунёқарашини замонга мос ҳолда тарбиялаш ва ниҳоят ўзларининг устида мустақил ишлаш қўникмаларини ҳосил қилиш жуда муҳимдир. Чунки янги ўтмишда ёшлар бундай фикр юритишга ҳақли эмас эдилар. Улар ўқитувчилар кўрсатмаларига кўр-кўрона ёндошар эдилар. Ўқувчиларнинг яхши ёки ёмон баҳо олиши ҳам домлага боғлиқ эди.

Лицейнинг асосий мақсадларидан бири ўқувчиларни танлаган касбий йўналишлари бўйича тинмай меҳнат қилишга ўргатишдир. Шу сабабли лицейда математика, физика, чет тили, информатика тўғрисида фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчилар ўзларининг бўш вақтларида ана шу тўғрисида қатнашиб лицейда олган билимларини янада бойитишга муваффақ бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол шарофати ила ҳозирги кунга келиб юқориди каби лицейларимиз кўпайиб бормоқда. Уларни битирган ёшларимизнинг асосийси олий ўқув юртлари имтиҳонларидан қийналмай ўтмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ ёзиб олди.

Миллий дастур

МАҚСАД — МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ

тика фанлари чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўтилади. Дарсларни асосан йўқориди институт муаллимлари олиб борадилар. Уларнинг асосини фан номзодлари ташкил қилиб, ўқитувчиларнинг ичида Халқ маорифи аълочилиси, хизмат кўрсатган ўқитувчилар ҳам бор. Бу малакали ўқитувчилар болаларга билимини қуқур эгаллашга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Бунинг натижасида лицейга ўтган йили танлов асосида кирган ўқувчиларнинг кўпчилиги қисми аъло ва яхши баҳо-ларга ўқишмоқда. Улар бу ерда ўти-лаётган фанларнинг барчасини ўзлаштиришда синфдошларига ўрнак бўлишмоқда.

ТАЪЛИМ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖЛАРИ

Янги таълим тизими бўйича академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ҳам кўп-лаб ташкил этилмоқда. Республикамизда тиббиёт касб-хунар коллежлари ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Янги турдаги бу ўқув муассасалари учун шифокор педагог кадрлар танлаш, тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўлида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар ва ўқув юртлари бош бошқармаси тадбиркорлик билан иш олиб бормоқда.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, биз янги давлат андозалари ва ўқув режаларини тайёрладик, — дейди бошқарма бош-лиги А. Гадов. — Вазирлигимиз таркибида касб-хунар коллежларининг йозага келиши муносабати билан педагог-шифокорлар тайёр-

Ҳуқуқий, демократик давлат пойдевори барпо этилаётган мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда нотариал идораларнинг ҳам ҳиссаси бекиёсдир. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг қонунларда назарда тутилганидек нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилиниши шулар жумласидандир. Аммо хали-ҳамон айрим юртдошларимиз ўзаро битимлар тузишда Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги янги қонунига ҳилоф равишда ёки билмасдан кўпгина хатоликларга йўл қўётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Қуйида биз Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 1-Давлат нотариал идораси нотариуси Искандар Раҳимов билан янги фуқаролик Кодексидан ўрин олган битимлар тузишнинг моҳияти хусусида суҳбатлашдик.

— Ортимизда тезкорлик билан кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар албатта, нотариал идоралари ходимларига ҳам катта масъулият юклатмоқда. Янги фуқаролик Кодексининг жорий этилиши аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қандай аҳамият касб этади?

— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси 1997 йилнинг биринчи мартада амалга киритилди. Ушбу кодексда ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида вуқудга келадиган муносабатларнинг хусусиятлари тўла-тўқис ўз ифодасини топган.

Республикамизда хусусий мулкчиликнинг жорий қилиниши ва бозор муносабатларининг таркиб топиши туфайли нотариал равишда тасдиқлашни зарур бўлган битимларнинг доираси анча кенгайди. Нотариал равишда тасдиқланадиган битимларни билиш нотариал ҳаракатларни қонун талабларига мос равишда амалга ошириш фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АСОСИЙ МЕЗОН

— Айтингчи, битимлар қайси ҳолларда тузилади ва унинг қандай турлари мавжуд?

— Битим турларига таъриф бериш экан, бир тарафлама битим уни тузган шахс учун ҳуқуқ бўла олмайди, балки маълум бурчлар келтириб чиқариши ва бундай бурчлар қонунларда назарда тутилган ёки иккинчи томон билан келишилган ҳоллардагина вуқудга келади. Ваҳоланки, шартли битимлар турлича тахлил қилинса-да, қонунда ўз аксини топмаган эди. Кодекснинг 104-моддасида уларнинг кенчиктириш шартли битим тузилиши мумкинлиги ва бундай ҳолатларда тарафлар учун вуқудга келадиган ҳуқуқ ва бурчлар, битимларни тузишни кенчиктириш ҳамда бекор қилишга оид шартларни белгилашда тарафларнинг қандай даражада манфааддор бўлишига қараб қўлланилиши зарур бўлган оқибатлар ҳақида тегишли қоидалар белгиланади.

— Битимларни қўллашда асосан нималарга эътибор қаратилади?

— Ҳозирда битимларнинг қонунларда тан олинган шакллари яна битта шакл қўшилган. У ҳам бўлса «суқут сақлаш» усулини қўллаш йўли билан битимни тузилган деб ҳисобланадир. Бундай усул ўтмишда асосан махсусотини етказиб берувчи ташкилотлар ўртасидаги мажбуриятларга нисбатан қўлланар эди. Масалан, махсусотларни етказиб бериш ҳақида у билан таъминловчи ва махсусотини қабул қилувчи белгиланган вақт давомида (10 кун) бирон бир қаршиллик билдирмаса шартнома тузилган деб ҳисобланар эди. Энди бу усул умумий қоида ёки шакл сифатида барча турдаги битимларга нисбатан жорий қилинди. Аммо бу қоида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолда тарафларнинг келишуви билан қўлланилиши мумкинлиги белгиланди.

— Айрим ҳолларда биз гувоҳи бўламизки, битимлар оғзаки равишда ҳам тузилади. Янги Қонунда бу тўғрида ҳам тўхталганимми?

— Албатта, оғзаки шаклда тузилиши мумкин бўлган битимларга ҳам қўшимчалар киритилган. Булар қуйидагилардан иборат: тузилишининг ўзидаёқ бажариладиган битимлардан ташқари, шахсининг хатти-ҳаракатларидаги битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси кўриниб турган ҳолларда, иккинчидан, жетон, патта ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли билан тасдиқланган битим. Учинчидан, ёзма шаклда тузилган шартномани бажарилишига қаратилган битимлар, агар у қонун ҳужжатларига ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин.

— Янги фуқаролик Кодексига киритилган ўзгаришлар нималарга асосланган ҳолда жорий этилди?

— Ҳозирги ҳабарлар юбориш, маълумотлар бериш техник воситаларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда битимнинг ёзма шакли сифатида телефонграммалар, телетайпограммалар, факслар ва бошқалар назарда тутилди. 1963 йил Кодекснинг 48-моддасига биноан давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасида, улар билан фуқаролар ўртасидаги битимлар ёзма равишда тузилиши талаб қилинар эди. Фуқаролар ўртасидаги ўзаро ўз сўмдан ошқ битимлари ёзма шаклда бўлиши шарт эди. Янги Кодексида битимларнинг шакли уларда қатнашувчи тарафларнинг давлатга мансуб ёки кооператив ташкилотли эканлигига қараб белгиланмади. Юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан тузган битимлари фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ортиқ сўмдаги битимлар оддий ёзма шаклда бўлиши назарда тутилди.

— Қайси ҳолларда битимлар давлат рўйхатидан ўтиши мумкин?

— Асосан икки ҳолатда, яъни қонунда кўрсатилгандек ёки томонларнинг бирининг талаби билан нотариал равишда тасдиқлашни мумкин. Янги Кодексида битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида янги қоида киритилган. Ушбу қоида ер участкалари ва бошқа қўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимларга тааллуқлидир. Масалан, қўчмас мол-мулкни турли усулда, яъни унга нисбатан мулк ҳуқуқини ўтказиш ёки ўтказмасдан бошқа шахсга ўтказиш, уни гаровга қўйиш, узок муддатли ижарага бериш, меросни қабул қилиб олиш ва бошқа ҳолларда битим давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Шунингдек, битимни нотариал шаклига риоя қилмаслик билан уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмаслигини оқибатларига нисбатан ягона қоида жорий қилинди. 1963 йилги Кодекс 50-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги қоидалар сақланиб қолган ҳолда, янги қоида назарда тутилди. Унга асосан битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортилаётган тараф битимни тузиш кенчиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлиниши шарт. Бундай битимни суд ҳақиқий эмас, деб топишдан қатъий назар у ўз-ўзиндан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Нисоли битимни ҳақиқий эмас, деб топши тўғрисидаги талабни унинг тарафлари қўйиш мумкин бўлса, у ҳолда битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфааддор шахс қўйиши мумкин. Бундай битим қонунга ҳилоф равишда, унинг талабларига мувофиқ келмайдиган, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ қоидаларига атайин қарши мақсадда тузилган деб ҳисобланади.

— Бугунги кунда ҳуқуқшунослар олдида турган энг долзарб вазифалар нималардан иборат бўлапти?

— Ҳуқуқий демократик мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқшунослар зиммасига юклатилган энг юксак вазифалардандир. Бу борада бугунги кунда айниқса, суд ҳокимияти тизимида инсонларга нисбатан меҳр-шафқатли, адолатли ҳукм чиқаришдек юмушлар турибди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг малакасини ошириш, уларни замон талабларига хос қайта тайёрлаш ҳам керак бўлиб қолди. Яна бир асосий муаммо бу аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришдир. Бу юмушларни бажариш эса барча ҳуқуқшуносларнинг вазифаси бўлиб қолди.

Очил ҲАҲРАТОВ.

Ҳамид ЗИЁЕВ, профессор

XV АСР КЎЗГҮСИ

(«Янги Ҳамса» ҳақида ўйлар)

Истиклол шарофати билан кўз ўнгимизда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шу маънода «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни нашр этган Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилонинг «Янги Ҳамса» асари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.



Фитналар домиди қолғач Хуросон,
Хиротни тарк этди Алишер мунгли.
Бағрини тилса-да, алам ва армон,
Қадим Самарқанди ислади кунгли.

Асарда мана шу огир аҳвол яхши ёритилиб, ўқувчи Навоийнинг йигитлик даври қандай кечгани ҳақида етарли тасаввурга эга бўлади. Бу борада асардаги Навоийнинг Самарқандга жўнаши муносабати билан Султон Аҳмад Мирзо, Абулқосим Бобур, Аҳмад Ҳожибек, Суҳайлий, Амир Арҳангий каби кишилар билан учрашувига бағишланган саҳифалар ҳам диққатни жалб этади.

Муаллиф Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаётини билимдонлик билан таърифлаган. Бунга қўра, Алишер Навоий ниятда ҳало, пок, виждонли, юксак одоб-ахлоқ ва истеъдод соҳиби бўлганлиги туйғили катта хурмат ва обрўга эга бўлган. Шунинг учун ҳам уни Самарқанддан Хиротга кетиши тараддуди дўстларни ва умуман жамоа аҳлини кўнглига тўғнлар солади:

Сафар аёсини айлаб саранжом,
Навоий жиламайди тонга хушхўром.
Дўстлар тавоф айлаб шеър қароргоҳин,
Тонгда обод этди шоир даргоҳин.
Дўстлардан айрилмоқ бўлса-да мушкул,
Хирот сафарига ошқарди ул.
Кетидан халойиқ эргашиб борди,
«Ҳолимиз ким сўрай?» — дея яворди.
Регистонда эса ўғи тошқин сел —
Қошига отлади унинг бутун эл.
«Бизни унутманг!» — деб бағрини тилди.
«Тагин бир келинг» — деб шатмас қилди.
Хиротга отланди шуқуҳан қарвон,
Қарвонга мунтазир эди Хуросон.

«Янги Ҳамса»нинг учинчи китоби — «Сокин Хуросон» ҳам ўзининг мазмундорлиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Унда Хуросондаги сиёсий вазият, Навоийнинг Хиротга қайтиши ва унинг Султон Хусайн Бойқаро билан салимий учрашувига тегишли мисралар мароқ билан ўқилади.

Асарда Алишер Навоий билан Султон Хусайн Бойқаро ўртасида болалик чоғидеъ тобланган меҳр-муҳаббат ва дўстлик тараннум этилиб, уларнинг бир-бирига садоқати таърифланган.

Султон Хусайн Бойқаро ўзининг ҳаёти ва давлати тақдирини Алишер Навоийсиз тасаввур эта олмайд:

Султон Хусайн Бойқаро:
Қамина ёнда турсалар, тақсир,
Ҳамфикр, ҳамжиҳат кўрсалар тадбир.
Улусимиз буюк, юртимиз улкан,
Мулкимиз — мавжро чайқалими елкан.
Ватан хизматиға бел боғлагайсиз,
Салтанат амриға дил чоғлагайсиз.
Навоий:
Ҳазрати султоним, хурсандмен гоят,
Бошимга одиб чакди нияҳот.
Салтанат не деса этурмен адо,
Қамина қайида ўзга муддо.
Марҳамат қилсалар, қошиқ султоним,
Ижод билан ўтса дейман ҳар ошм.
Султон Хусайн Бойқаро:
Алишербек, дўстим, йўқса, мен нетай,
Шеър дебон саройини ташлабми кетай?
Воз кечгай: салтанат, тож ила тахтдин,
Жанг ила илқимга келимиз бу бахтдин!
Нияҳот, Алишер Навоий розилик изҳор этгандан сўнг Султон Хусайн Бойқаронинг қувончини қўйидагича баён этади муаллиф:

Хусайн қўллари севинибди бақиб,
Гурур билан дебд меҳрод қалқиб.
«Ташаккур, азизим! Қўқодор бошим,
Сиз билан порайгай, балким, қўшим.
Ижодга яратиб бергаймиз имкон,
Шеърлар бешиги бўлгай Хуросон».

Шу равишда асарда ўз даврининг икки тарихий сиймоси — Алишер Навоий ва Султон Хусайн Бойқаро темирўйлар давлатининг таянчи сифатида намоён этилади.

Учинчи китобнинг «Сокин Хуросон» деб аталган бежиз бўлмаган. Зеро, бу вақтда Навоийнинг ижодий ва сиёсий фаолияти барқ уриб, мамлакат ҳаётида муҳим ўзгариш ва ютуқлар қўлга киритилди. Маърифат, қурилиш ва ободончи соҳаларида улкан ишлар амалга оширилиб, тараққиёт юқори даражага кўтарилди. Бунда Алишер Навоийнинг тутган ўрни беқийс каттадир. Унинг ташаббуси ва бошчилигида қўллаб маърифат ва билим масканлари бунёд қилинди. Шу боис «Ҳамса»да унинг сиёсий, ижодий, бунёдкорчилик ва ободончилик фаолияти ўз аксини топган. Алишер Навоий ватанига, давлатга ва умуман халқига ўта фидойи, жонқур, ғамхўр, тинчлик ва барқарорлик, фаровон ҳаётни таъминлаш учун курашган буюк шахс сифатида гавдалантирилган.

«Ҳамса»нинг «Қонли Хуросон» китоби ҳам мамнуниятлик билан ўқилади. Маълумки, Султон Хусайн Бойқаро сўнгги йиллари манишатга ва қора кучларнинг гирдобига тушиб, мамлакатда тахт учун кураш, парокандалик авжига миниб борди. Алишер Навоий соғлиги ёмонлашганига қарамай юзага келган хавф-хатар

ли вазиятни бартараф қилиш учун имкони борича курашди. Бироқ инқироз жуда чуқурлашиб, қора кучларнинг ҳокимиятдаги таъсири анча зўрайган эди. Бунинг устига устак олий ҳазратнинг бевақт вафот этиши темирўйлар давлатининг ҳалокатини янада тезлашишга олиб келди. Шу боис бутун мамлакат аҳли Алишер Навоийнинг ўлимини шу даражада қаттиқ қайғу-алам билан қарши олдики, бамисоли бир дарё суви қуригандек ёки бу олам наргии оламга қўнғандек туюлди:

Бутун Хирот келган эди мотамга,
Бутун Хирот ботган эди дард-ғамга.
Хибон бошига оқар оломон,
Оғир жудалиқдан бесару сомон.
Мўмин-мусулмонлар дағина келган,
Маънос кўзларидан ҳуноб тўқилган.
Шоир қабири эса қолмади якка,
Рухи дармон эди ҳар бир юракка.
Буюк сайидлару дондор олимлар
Қабри тепасида тунуб қолдилар.
Отасиз қолди халқ — халқ қолди етим,
Анинг аҳволини энди сўрай ким?
Халққа қийин бўлди — у гарчи қарам,
Навоийдек анга ким қилгай қарам.

Ҳа, Навоий ўлимидан кейинги 500 йил мобайнида миллат манфаати учун жонини ҳам, бойлигини ҳам аямай ватан тараққиёти ва шон-шухрати учун курашган зиёли вакили кўринмади. У бу борада шу даражада қўп ишларни қилдики, акс садоси ҳамон яшамоқда.

«Ҳамса»нинг охири — бешинчи китоби буюк аллома Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ал-Шоший (Хожа Аҳрор Валий) фаолиятига бағишланган. Шўро тузуми даврида бу табаррук зот шаънига маломат тошлари отилиб, Улуғбек қатлини уюштирилганлардан бири сифатида тупроққа қориб ташланган эди. Бундай тухматни уюштиришдан мақсад ўз ватанига хизмат қилган тарихий шахсларни обрўсизлантириш ва ислом динини тараққиётнинг ашаддий душмани сифатида «фос этиш»дан иборат эди. Чунки, Хожа Аҳрор Валий нақшбандия тарикатининг йирик вакили ҳисобланиб, тинчлик ва барқарорлик тарғиботчиси эди. «Бу мутафаккир зот, — дейди Исмоил Каримов, — ўз даврида 25—30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашуларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар Шайхи», деб ном олган бу улуг зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай аждодларимизни бошимизга кўтаришга шаймиз».

«Ҳамса»да Хожа Аҳрор Валий худди юртбошимиз таърифланганларидек, буюк тарихий шахс тарзида таърифланган:

Истиқоматгоҳи бўлиб Самарқанд
Ҳожи Убайдуллоҳ маъқеи баланд.
Мовароуннаҳрдай улуг мамлакат
Қаттаю кичиқи қилур маслаҳат.
Хожа Убайдуллоҳ — фахри замонга,
Фахри замон ичра фақри замонга.
Шаъну шавкатидан Хожа Аҳрорнинг,
Валий санъатидан соҳиб виқорнинг,
Подшоҳлар, ҳоқонлар ҳамда султонлар,
Тождилар, қўноқлар ҳамда деҳқонлар,
Вазирлар, амрлар ҳам муаррихлар,
Толиби илмлар ҳам мударрислар,
Олимлар, шоирлар ва аҳли айём,
Аҳли жўд, аҳли сийқ; ҳулласи қалом,
Нақшбандия тариқатини муҳлиси,
Йил сайин ошмоқда унинг нуфуси.

Хуллас, муаллиф Хожа Аҳрор Валийнинг сиймоси ва тарихий хизматини ёритишга эришган.

Умуман олганда, «Янги Ҳамса» биз яшаётган замонда нашр этилган энг яхши асарлардан биридир. Ҳўш, унинг аҳамияти нималардан иборат? Асарда Алишер Навоий, Султон Хусайн Бойқаро, Хожа Аҳрор Валий ва бошқа шахсларнинг фаолияти тарихий манбалар асосида баён этилиб, ҳақиқий аҳволни акс эттирилади. Тарихий ва бадиий воқеалар юқоридаги тарихий шахслар тақдирини орқали китобхон қалбига етказилади. Асарнинг тили бой ва раван бўлиб, аллақонлар унутилган сўзлар ҳам оз эмас. Бу ўзбек адабий тилимизни янада бойитишда муҳим ўрин эгаллайди. Гарчанд асар беш китобдан иборат бўлса-да, лекин улар мазмун ва йўналиши жиҳатидан бир-бирларига мантқан боғланган яхлит бир катта мавзунини ташкил этади. Шу боис у ўқувчида тўлақонли таассурот ҳосил қилиш имконини туғдириди, бунда асарнинг халқимиз дилига ва дидига мос маснавий услубида ёзилиши ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

«Янги Ҳамса»даги тарихий шахсларнинг фаолияти темирўйлар давлатида юзага келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитга боғланган ҳолда таърифланган. Шу боис у билан танишган ҳар бир кимса XV аср тарихи бўйича етарли маълумотга эга бўлади. Алоҳида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳанузгача битилган аҳайиб бешта «Ҳамса»ларнинг икитаси ўзбек тилида ёзилган. Уларнинг бири Алишер Навоийнинг, иккинчиси Барот Бойқобилонинг қаламига мансубдир. Ўзбек адабиётининг улкан ютуғидир, албатта!

Шубҳасиз, «Янги Ҳамса» халқимизнинг миллий ҳис-туйғуларини, ватанпарварлигини ва дунёқарашининг янада барқ уришида муҳим аҳамият касб этади. У юқори баҳога сазовор бўлди. Зеро, асар Президент Исмоил Каримовнинг 1994 йилдаги Фармони билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат муқофоти билан тақдирланди.

Халқимизнинг XV асрдаги ёхуд иккинчи Уйғонш давридаги (Ренессанс) ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини поэтик улкан бир полотнода акс эттириши ҳар қандай ижодкорнинг ҳам қўлидан келавермайд. Ўстоз Ойбек «Навоий» тарихий романи билан халқимизнинг Навоий яшаган даври ҳаётини насрда тўлақонли, ҳаққонли акс эттириб берган бўлса, бемалол айтиш мумкинки, мутафаккир шоир Барот Бойқобилон назмда бундай мураккаб ва улкан ишнинг урдасидан чиққан деб ўйлайман.

Самарқандлик rassom Ирина Александровна Лаврованинг яқинда «Илҳом» театри намоиш залида бўлиб ўтган rassomлар кўргазмасини «Аёллар ва гуллар» деб номлаш мумкин.

30 дан зиёд ранг-тасвир намуналарининг аксарияти натиомортлар ва аёллар образларидан иборат. Ирина Лаврова ҳолатни ушлаб қолишга интилади. Бу ўринда ҳамма нарсаси — ҳам гуллар нафосати, ҳам ёш аёл кайфияти бўлсин, — бари қадрли. Мазкур икки мавзу узвий бўғлиқ, зеро аёллар ва гулларни қўп нарсаси бирлаштириб туради. Бу гўзаллик, нафосат ва ўзгарувчанлик аёл шайлигини гул билан таққослайди, зеро ҳар иккиси гўнчадан очилади. Шу боисдан Лаврова яратган образлар — хризантема, қўқонгул, булфонез кабилар нафосат, янгилик ва софлик рамзи сифатида қабул қилинади. «Интосикос» композициясига назар ташлар экансиз, софлик ва юксаклик ҳақидаги ўйлар ҳаёлимиздан ўтади. Зеро, расмдаги аёл қиёфасида Мадонани эслатувчи чизгилар мавжуд. «Оқим» картинасида rassom аёл бошини, ёнида эса сув оқимларига ўхшаш ранглар тасвири акс эттиради. Шу тариқа Лаврова сув мавзуси орқали замон масаласини акс эттиради. Зеро, тоғдан оқаётган сув оқими сингари замон, вақтнинг ҳам тўхтатишининг им-

кони йўқ. Эски узумзор тасвирланган «Ток» триптихи ҳам гоят қизиқарлидир. Расмнинг юқори қисмида

Кўргазмалар

АЁЛЛАР
ВА
ГУЛЛАР

rassom узумзорнинг пешайвон деразасининг панжараси орасидан кўринаётган қисмини акс эттирилади. Диптихнинг пастки қисмида эса ўз чизгилари билан шарқона арабескаларни эслатувчи майин ток занги тасвирланади.

Эндигина 30 ёшга кираётган ёш rassom Ўзбекистон бадиий ҳаётида кўпдан бери фаол иштирок этиб келмоқда. У 1991 йилдан бери республика кўргазмаларида қатнашиб келади. Бўлиб ўтган кўргазма эса Лаврова учун еттинчиси, улардан учтаси эса шахсий кўргазмадир. 1997 йили у Тошкентда ўтказилган «Осиё-Арт» минтақавий кўргазмасида ҳам қатнашди.

Ирина Лаврова концепцияси савол тарзида ифодаланади. «Инсон руҳиятини билишнинг чексиз дўнёсида ўткир туйғудан кў-

ра нима ёрқинроқ бўлиши мумкин?».

Ўз кўргазмаси ҳақидаги саволимизга Ирина шундай жавоб берди:

— Тошкентда яхши rassomлар жуда кўп, муҳлис-лар ҳам юксак санъат асарларига ўрганган, анча талабчан. Шу боисдан қаттиқ ҳаяжонландим, лекин пойтахтлик томошабинлар илтифотига бўлган умидим менга далда берди. Назаримда, асарларим уйғотган ҳар қандай ҳиссиёт яхши бўлади. Фақат лоқайдлик ва бекфарқлик бўлмаса бас.

Таъкидлаш жоизки, Ирина Александровна Лаврова Самарқанд rassomлар галереясининг директори. Бу галерея «Шарқ дурдоналарининг» энг йирик марказларидан биридир. XIX асрда қурилган биринчи насронийлар черкови биносида жойлашган ушбу галерея фаолияти рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик намуналари намоиши билангина чекланмайд. Бу ерда европача мумтоз ҳам анъанавий Шарқ му-сикаси концертлари ҳам ўтказиб турилади. Ирина Лаврова бу ишларнинг барчасида фаол қатнашади.

Ўйлаймизки, самарқандлик ёш rassomнинг асарлари билан танишган пойтахтлик томошабинлар ичда ҳам унинг ўз муҳлислари пайдо бўлиши шубҳасиз.

Гулсара БОБОЖОНОВА.



Боғча — ширин қизалоқлар ва меҳрибон тарбиячилар маскани.

Бошқа боғчалардаги болалар кечгача ота-оналарнинг тезроқ келишини кутиб яшасалар бизнинг Фирдавсжонимизнинг боғча орасидан ажралгиси келмайди. Хатто ишдан кеч қолиб борган кунларимиз боғча опаси жон деб уйига олиб кетаверади. Қани энди иложи бўлса-ю, дам олиш кунларим боғчасига кетаверса. Баъзи ота-оналар болалар боғчаси ва уларнинг тарбиячиларидан нолиб юрадилар. Лекин Бектемир туманига қарашли 578-«Зилола» болалар боғчасида ҳамиша ҳаёт қайнаб туради.

Муносабат

«АЯЖОН, БОҒЧАГА
БОРАМАН»

— Болажонларини бир кун кўрмасам соғиниб қоламан. Ҳаммаёқ хувилаб қолганга ўхшайди, — дейди тарбиячи Дилором Расулова.

Боғча мудираси Любовь Михайловна ўзбекча гапиришни қойиллатади. Байрамларда ота-оналарнинг қўлига эмас, болаларнинг қўлига қарайди. Ўзбекча рақс тушушда ҳаммаи маҳлиё қилувчи Люба опа болалар билан бирга бўлганларида ўзлари ҳам бола бўлиб кетадилар.

Бир кунги ўғлим «Аяжон, бизга янги бола келди» деб дўмбоққина болани кўрсатди. Боланинг боғчага яқинда келгани сезилмас, онаси билан хайрлашиб

тойқоқдай шаталоқ отиб Дилиа опаси билан кириб кетди. Йўл-йўлакай онасини гапга тутдим.

— Ўғлингиз боғчага йиғламасдан келаяптими?

— Боғчасини жудаям яхши кўради. Бу ернинг овқатини, озодалиги ҳам яхши. Энди ишга ҳам бемалол кетаман. Кўнглим тўқ.

Биз ота-оналар иш билан бўлиб баъзан болаларнинг туғилган кунларини ҳам унутиб қўямиз. Аммо боғча опалар унутимайди, уларни алоҳида ёзозлаб кичиккина, аммо кўнглини тоғдай кўтарувчи уйинчоқлар совга қилишади. Боғча опаларининг совғаси бошқача бўлади, болалар хатто кечаси ухлаётган ҳам ёнларида бирга олиб ётадилар.

Ҳа, бизнинг боғча опаларимиз Роҳила Мамадалиева, Аъло Мамаедовна, Гулнара Бекхўжаевалар «Ёш бола нимани ҳам биларди деб эмас, балки булар қўп нарсани биладилар ва билишни ис-тайдилар» деб ишонадилар.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА.

Булдургун тиббиётда узок вақтлардан бери ишлатиб келинаётган шифобахш ўсимлик. Бу ўсимлик қўллаб-қўллагуларда ўстирилади. Ил-дизпоясидан икки йиллик ер устки новдалар ўсиб чиқади.

Биринчи йилги новдалари яшил рангли, майда тиканли бўлиб, мева қилмайди, ёғочланмаган бўлади. Бу поя қишга бориб ёғочланади.

Меваси пишганда эски пояси қуриб қолади. Илдиз-поядан ҳар йили янги поялар ўсиб чиқади. Барги тоқ пашли, 5 — 7 та баргчадан ташкил топган бўлиб, паяда кетма-кет жойлашган. Поянинг юқори қисмидаги барглари қўпнача уч пластинка-ли бўлади. Баргчиси тухум-симон, нотекис аярсимон, қиррали, юқори томони тук-

Мапҳампар

БУЛДУРГУН

бўлиб қўрилади. Гуллари кўримсиз, яшил-оқ рангли. Ме-васи қизил уруғли. Меваси таркибиде органик кислоталар, қаротин, қандлар, каллий тузлари, азотли бирикмалар, ошловчи дорилар бўлади. Халқ табобатида қуритил-

маган ва қуритилган мева дамламаси иштаха очувчи, таом ҳазм қилишни яхшиловчи, терлатувчи, қон тўхтатувчи (меъдадан, ичакдан), ўпка шамоллаганида балғам қўчқувчи, иситма кўтарилганда ҳароратни ка-мийтирувчи омил сифатида яхши наф келтиради.

Мевадан дамлама таёрлаш учун идишга 3 стакан қайнаб тувган сув қуйиб устига қуритилган мевадан икки ош қошиқ солинади ва 20 дақиқа мобайнида дам-лаб қўйилади. Илкий табо-батда қуритилган мевадан тайёрланган дамлама турли шамоллаш хасталиқларида терлатувчи ва энгил пешоб ҳайдовчи дори сифатида тавсия этилган.

Мирзамир
МИРЗАШИРИПОВ,
доршунос.

Райхон Ойдиннинг илтимосига йўқ деи олмади. У билан Илҳомжоннинг ишончасига борди. Ҳаммаси шундан бошланди. Ойдин ҳар гал Райхонга Илҳомжон ҳақида, у билан бирга ўтган давларни сўзлар экан, Илҳомжон билан фахрланиши юзидан акс этиб турар-эди. Райхон Илҳомжоннинг қанақалигини ҳеч қў олдида келтирилмаган эди. Мана бугун Илҳомжонни кўрди. Илҳомжон уларни яхши кутиб олди. Истараси иссиқина, бинойидек йигит экан. У ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Илҳомжон қизлардан ҳол-аҳвол сўраб, ўқишлари қандай кетаётганлигини сўрашди. Гап орасида Ойдин Илҳомжонни Райхон билан таништирди. Илҳомжон Райхонга ора-сира назар ташлар экан, унинг хижолат бўлиб ўтириши, бир-бирларига кўзлари тўқнашганида эса дарҳол ерга қараб олиши Илҳомжонда унга нисбатан қизиқиш уйғотарди. «Бу қиз билан яна учрашишнинг илоҳи бормикан» деб кўнглидан ўтказди у. Бу орада Райхонларникида телефон борлигини билиб олди. Бу унинг учун аини мўддао эди. Ойдинларникида телефон йўқ эди. Шунинг учун «Бирор гап бўлса Ойдинга ёқ-казиб турасиз», деб Райхоннинг телефон рақамини сўраб ўзиди олди.

Орадан икки ҳафта ўтгач Ойдин Илҳомжоннинг туғилган кунига Райхонни ҳам таклиф қилди. — Эртага кеч соат бешларда чиқаман, кўпми? Тайёрланиб тур. — Ие, унда қайтишимизга кеч бўлиб қоладику! — Хавотир билан деди Райхон.

Кеч қолсақ ўша ерда қолаверамиз-да. Майли, ойнадан ҳам ўзим рухсат оламан, — деди Ойдин. — Эртаси кун Ойдин Райхоннинг ойисига «Агар тўғирисини айтсам жўнатмайди», — деган хавотирда ёлгон гапирди.

Манзура опа, илтимос, бугун Райхон бизникига чиқсин. Кечқурун иккимизнинг қиладиган ишимиз бор. Ҳўлми? Эртага ўқишга бизникидан тўғри кетамиз.

Манзура опа ҳам «Энди қизлар катта бўлиб қолиди. Бир-бирлари билан уззу-кун бирга бўлишса ҳам гаплари тугамайди», — деб ҳаёлидан ўтказди-да.

Майли, қизим. Борса сизларникига боради-да. Бегона жойга бораримиди, — деб осонгина рухсат берди.

Туғилган кун жуда яхши ўтарди. Илҳомжон қоньяк таъсириданми, ёки хурсандчилигиданми тинмай жилмаяр, меҳмонларга жуда сертаклиқ қилди. Кеча меъёрига етиб меҳмонлар битта-иккита бўлиб тарқалишган, бу уйда фақат Илҳомжон, Ойдин, Райхонларгина қолди.

Райхон бу ерда қолаётганидан бир томондан хижолат бўлса, бир томондан Илҳомжондан бошқа одам йўқлиги учун ўзини эркин ҳис этарди.

Қизлар идишларни ювиш билан банд бўлар-экан, Райхон вақтдан фойдаланиб Ойдинни гапга тутди: — Илҳом акангнинг ҳеч кими йўқми?

— Нега ундок деясан?

— Қара, уч хонали қавртира, жиҳозлар етарли, лекин ўзидан бошқа одам йўқ-ку?

— Сенга қандок тушунтирсам экан? Илҳом аканнинг оиласи катта. Ўзи асли қишлоқдан, ховиллари ҳам ўша ерда. Илҳом аканнинг ишлари шаҳарда бўлганилиги учун, бу ердан шу қавртирани сотиб олиб жиҳозлашган. Уйдагилар Илҳом аканини қишлоқдан уйлантириб, олиб қилишмоқчи бўлган экан. Лекин Илҳом аканнинг илтимосига йўқ деи олмади. У билан Илҳомжоннинг ишончасига борди. Ҳаммаси шундан бошланди. Ойдин ҳар гал Райхонга Илҳомжон ҳақида, у билан бирга ўтган давларни сўзлар экан, Илҳомжон билан фахрланиши юзидан акс этиб турар-эди. Райхон Илҳомжоннинг қанақалигини ҳеч қў олдида келтирилмаган эди. Мана бугун Илҳомжонни кўрди. Илҳомжон уларни яхши кутиб олди. Истараси иссиқина, бинойидек йигит экан. У ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Илҳомжон қизлардан ҳол-аҳвол сўраб, ўқишлари қандай кетаётганлигини сўрашди. Гап орасида Ойдин Илҳомжонни Райхон билан таништирди. Илҳомжон Райхонга ора-сира назар ташлар экан, унинг хижолат бўлиб ўтириши, бир-бирларига кўзлари тўқнашганида эса дарҳол ерга қараб олиши Илҳомжонда унга нисбатан қизиқиш уйғотарди. «Бу қиз билан яна учрашишнинг илоҳи бормикан» деб кўнглидан ўтказди у. Бу орада Райхонларникида телефон борлигини билиб олди. Бу унинг учун аини мўддао эди. Ойдинларникида телефон йўқ эди. Шунинг учун «Бирор гап бўлса Ойдинга ёқ-казиб турасиз», деб Райхоннинг телефон рақамини сўраб ўзиди олди.

Орадан икки ҳафта ўтгач Ойдин Илҳомжоннинг туғилган кунига Райхонни ҳам таклиф қилди.

— Эртага кеч соат бешларда чиқаман, кўпми? Тайёрланиб тур.

— Ие, унда қайтишимизга кеч бўлиб қоладику! — Хавотир билан деди Райхон.

Кеч қолсақ ўша ерда қолаверамиз-да. Майли, ойнадан ҳам ўзим рухсат оламан, — деди Ойдин. — Эртаси кун Ойдин Райхоннинг ойисига «Агар тўғирисини айтсам жўнатмайди», — деган хавотирда ёлгон гапирди. Манзура опа, илтимос, бугун Райхон бизникига чиқсин. Кечқурун иккимизнинг қиладиган ишимиз бор. Ҳўлми? Эртага ўқишга бизникидан тўғри кетамиз. Манзура опа ҳам «Энди қизлар катта бўлиб қолиди. Бир-бирлари билан уззу-кун бирга бўлишса ҳам гаплари тугамайди», — деб ҳаёлидан ўтказди-да. Майли, қизим. Борса сизларникига боради-да. Бегона жойга бораримиди, — деб осонгина рухсат берди. Туғилган кун жуда яхши ўтарди. Илҳомжон қоньяк таъсириданми, ёки хурсандчилигиданми тинмай жилмаяр, меҳмонларга жуда сертаклиқ қилди. Кеча меъёрига етиб меҳмонлар битта-иккита бўлиб тарқалишган, бу уйда фақат Илҳомжон, Ойдин, Райхонларгина қолди. Райхон бу ерда қолаётганидан бир томондан хижолат бўлса, бир томондан Илҳомжондан бошқа одам йўқлиги учун ўзини эркин ҳис этарди. Қизлар идишларни ювиш билан банд бўлар-экан, Райхон вақтдан фойдаланиб Ойдинни гапга тутди: — Илҳом акангнинг ҳеч кими йўқми? — Нега ундок деясан? — Қара, уч хонали қавртира, жиҳозлар етарли, лекин ўзидан бошқа одам йўқ-ку? — Сенга қандок тушунтирсам экан? Илҳом аканнинг оиласи катта. Ўзи асли қишлоқдан, ховиллари ҳам ўша ерда. Илҳом аканнинг ишлари шаҳарда бўлганилиги учун, бу ердан шу қавртирани сотиб олиб жиҳозлашган. Уйдагилар Илҳом аканини қишлоқдан уйлантириб, олиб қилишмоқчи бўлган экан. Лекин Илҳом аканнинг илтимосига йўқ деи олмади. У билан Илҳомжоннинг ишончасига борди. Ҳаммаси шундан бошланди. Ойдин ҳар гал Райхонга Илҳомжон ҳақида, у билан бирга ўтган давларни сўзлар экан, Илҳомжон билан фахрланиши юзидан акс этиб турар-эди. Райхон Илҳомжоннинг қанақалигини ҳеч қў олдида келтирилмаган эди. Мана бугун Илҳомжонни кўрди. Илҳомжон уларни яхши кутиб олди. Истараси иссиқина, бинойидек йигит экан. У ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Илҳомжон қизлардан ҳол-аҳвол сўраб, ўқишлари қандай кетаётганлигини сўрашди. Гап орасида Ойдин Илҳомжонни Райхон билан таништирди. Илҳомжон Райхонга ора-сира назар ташлар экан, унинг хижолат бўлиб ўтириши, бир-бирларига кўзлари тўқнашганида эса дарҳол ерга қараб олиши Илҳомжонда унга нисбатан қизиқиш уйғотарди. «Бу қиз билан яна учрашишнинг илоҳи бормикан» деб кўнглидан ўтказди у. Бу орада Райхонларникида телефон борлигини билиб олди. Бу унинг учун аини мўддао эди. Ойдинларникида телефон йўқ эди. Шунинг учун «Бирор гап бўлса Ойдинга ёқ-казиб турасиз», деб Райхоннинг телефон рақамини сўраб ўзиди олди.

ҳом акам унамабдилар. — Ҳа, бу ерда сен борсан-да. — Ҳа, мен учун, мана кўрасан, шаҳарда бир умр қолиб кетишга ҳам рози бўладилар. Улар ҳамма нарсаларни жой-жойига қўйишгач, Илҳомжон уларга: — Қизлар бўлди, йиғиштиришни тутатинлар. Энди ўзимиз ҳам бир суҳбатлашайлик. Меҳмонлар билан бўлиб сизлар билан ҳам бафуржа гаплашиб ололмадим, — деб қизларни ўтиришга таклиф этди. — Райхон, мумкин бўлса, ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг, — деди Илҳомжон. — Нимани ҳам гапиришим мумкин. Ойдин билан бирга ўқиймиз. Бир маҳаллада тураимиз. — Балки ўнғайсиз савол бергандирман. Ойдиндан кўра сизни кам-

роқ биламан. Сизлар яқин дугона экансизлар, демак ҳали кўп қўришамиз деган умиддаман. Илҳомжон Райхон билан кўпроқ гаплашгани келар эди. Улар анча-гача ҳар хил мавзуларда суҳбатлашарди. Телевизор қўриб магнитофон эшитишди. Илҳомжон шонир табиат йигит эди. У гаплари, фикрлари тасдиқини буюк алломалар ҳикматлари, шоирларнинг шеърлари билан тўлдирар эди. Илҳомжон уларни зериктирмай ўтирар экан, шу тонда Райхоннинг Ойдинга жуда ҳаваси келиб кетди. Дугонасининг диди ёмон эмас. Улар бахтли бўлишарди. Қани энди у ҳам шундай бир йигит билан турмуш кўрса.

Орадан ҳафта ўтди. Бу вақт ичида Илҳомжон Райхонга бир-икки телефон қилиб, у билан илқична ҳол-аҳвол сўрашди. Райхоннинг: «Ойдинга нима деб қўйи?» деган саволига шунчаки «Салом айтиб қўйинг» деди. Кейинги кунларда Илҳомжон Райхоннинг кўз олдидан кетмай қолди. Унинг ҳатти-ҳаракатлари, ҳуш-табиатлиги Райхонда яхши таассурот қолдирган эди. Райхон Илҳомжонни уйлагани сари ҳар доим: «Қизик, нимага уни ҳаёлимдан кетказа олмайд қолдим? Уни уйлашмаслигим керак. У Ойдинни яхши кўради. Менга у факатгина дўст бўлиши мумкин», — деб Илҳомжонни ҳаёлидан ўтиришга ҳаракат қилиб юрган кунларининг бирида Ойдин унга: — Райхон, мен сенга бир гап топиб келдим. Илҳом аканини олдиға боровимиз. Кеч соат 5 ларда иккимизни кинога таклиф қилишди, — деб қолди.

Сизлар билан бирга бориш ноқулай. Илҳом акам учта билет олиб қўйибдилар. Сен борсанг мен ҳам бормайман, — деб туриб олди Ойдин. Райхон рози бўлди. Кино тугаб улар уйга пиёда қайтишди. Уларни Илҳомжон уйларидагача кузатиб қўлди. Ўша кун Райхон Илҳомжоннинг дунёқараш, келгилсига, суҳбат-донлигига, ажирлигига яна бир бор иқдор бўлди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, дарслар тугаб, институтдан чиқиб келаётган эди. Райхоннинг олдиға 13-14 ёшлар чамаси бир бола келди-да, буклоғлик қўғоз бериб кетди. Қоғозда: «Райхон, мен сизни эртага соат 15.00 да «Шабнам» қаҳвахона-

сида кутаман. Ёлғиз ўзингиз келинг», — деб ёзилганди. Кимлигини хатида ёзмади. Эртаси кун айтилган вақтда уни «Шабнам» олдида Илҳомжон кутиб турарди. Райхон уни қўриб довидиради. — Мен сизни келмайсиз деб қўрқандим, Райхон. Улар ичкарига киришиб, ҳолироқ стол атрофига ўтиришди. — Райхон, сиз ҳозир мени қўриб таажубландингиз, тўғрими? — Ҳа, ростдан ҳам ажабландим. — Райхон, сиздан илтимос, тез-тез учрашиб турайлик. Тўғирисини айтсам, гапни нимадан бошлашга ҳам ҳайронман. Сизга айтмоқчи бўлган гапларим ҳали кўп. Мени тушунармикансиз, билмадим. Фақат сиз менинг умидларимни пўча қилмасангиз бўлган. — Илҳомжон сўзлар экан ҳаяжонланаётганлигини яширишга ҳаракат қилар эди. Илҳомжоннинг охириги сўзлари қизни гангитиб қўйди.

Илҳомжон ака, Ойдинчи? Райхон, қиз яхши кўргани билан йигит ҳам яхши кўриши керак-ку. Биз Ойдин билан доимо илқ, ўқиш юзасидан учрашардик. Кейинроқ, англадимки, Ойдин кўпична, менинг олдимга яхши қўриб келар экан. — Илҳомжон ака, нима бўлганда ҳам Ойдин сизни яхши кўради. Сиз... Сиз... билмадим нима қилишгингиз... Райхон Илҳомжон билан ҳатто хайрлашмай ҳам қаҳвахонадан чиқиб кетди. Автобусда кетаётиб: «Ҳозир бориб Ойдинга бор гапни айтман», деб аҳд қилди. Уйига етгач бу фикрдан қайтди. «Унуттишим керак», — ўйлади Райхон. — Улар иккиси бахтли бўлиши керак».

Райхон икки ўт орасида қолган эди. Илҳомжон унга ҳам ёқарди. Лекин Илҳомжонни дугонаси яхши кўрарди. «Йўқ, дугонанинг юзига оёқ босмайман. — Райхон қатъият билан ўйлади, — ахир Илҳомжон акани Ойдин орқали танидимку. Гарчи Илҳомжон ака Ойдинни севмасда унинг севгисини оёқ ости қилмаслиги керак».

Орадан йиллар ўтди. Райхон бошқа бир йигитга турмушга чиқди. Бир ўғили бўлди. Унинг турмуш ўртоғи яхши йигит эди. Лекин шундай бўлса-да, Райхонга нимадир етишмас эди. Ойдин Райхон айтганидек, Илҳомжонга турмушга чиқди. Севган кишисига турмушга чиққан бўлса-да, кейинги пайтларда уйига тез-тез аразлаб келиб қоларди.

Шунақа давларда Райхон: «Яхшигина турмушим бор. Аммо нимадир етишмайди. Балки... Ростдан ҳам Илҳомжон акани севиб қолган эканман-да. Илк муҳаббат деганлар шу эканда. Энди кеч бўлди. Ўша илк муҳаббатимни доимо юрагимнинг бир четида маҳкам туттишим, ошқора қилиб қўймаслигим керак. Ҳаёт қизиқ экан. Уни кимдир севади, У бошқани. Сен уни. Сени эса бошқа одам. Мен аввало ҳозирги бахтиёр оиланимга саклаб қолишим керак. Майлига, менга ўша илк севгим бир умр армон бўлиб қолсин. Юрагимни ўрпаб турсин. Бир кам дунёда менинг бир камим бўлиб қолсин».

Райхон айтганини қилди. «Нимадир» етишмасида, оиласини маҳкам тутди. Илҳомжоннинг эса сочлари-га эртагина оқ оралади.

Дилором ЖҲРАЕВА.

АНЪАНАГА АЙПАНАЁТГАН ГАПАБА

Саҳрода бунёд этилган, эндиликда жаҳоннинг йирик савдо ва моллиа марказлари бўлиб қолган Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда унинг пойтахти Абу-Даби шаҳри ҳақида дастлабки маълумотларни канинага илк грессейстеримиз Георгий Азизов тақдим этган эди.

1985 йили у бу ерда бир ойча бўлиб, бу ёш мамлакат шахматчиларига сабоқ бериб келганди. Г. Азизовнинг гувоҳлик беришича, бу ерлик ёшлар кўп нарсасга, шу жумладан қадимий ақл-идрок ўйини — шахматга ҳам зўр ҳавас билан қарашаркан. «Уларнинг билимга чанқоқлигидан дам олиш пайтларимда ҳам «безовта бўлиш»га тўғри келди», деган эди. Г. Азизов. Бу машғулотлар тез фурсатда ўз самарасини бера бошладилар. 1986 йилги навбатдаги жаҳон шахмат Олимпиадаси бу мамлакатнинг яна бир йирик шахри Дубайда зўр тантана билан ўтказилди. Канинага халқаро ҳакам унвонини ўша пайтда Дубайда ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси конгрессига тасдиқланганини бир умр эслаб юраман. Шундан кейин бу

ерда бирин-кетин жуда кўп нуфузли халқаро мусобақалар ўтказила бошланди. Чунончи, яқинда ўшалардан бири — «Абу-Даби-98» турнири яқунланди. Кўпгина мамлакатлардан таклиф этилган иштирокчилар орасида тошкентликлар ҳам бор эди, албатта. Тўққиз турдан иборат эркаклар турнирида Ўзбекистон чемпиони, халқаро грессейстер Сергей

Шахмат

Загребельний билан терма командамиз азоси ва айни чоғда унинг бош мураббийси халқаро мастер Дмитрий Каюмов марокашлик бир ёш грессейстер билан биргаликда 1—3 совринларни баҳам қўришди. Бу турнир ўзбекистонликлар учун жуда муваффақиятли ўтмоқда. Масалан, 1996 йилгиси Рустам Қосимжоновнинг, 1997 йилгиси эса Сергей Загребельнийнинг галабаси билан тугаган эди. Аёллар турнирида эса тошкентлик халқаро мастерлар, республика эксецпионлари Ольга Ким, Ангела Горшкова иштирок этди. Хэгай 2—3 совринларни баҳам қўрган бўлса, қолган спортчиларимиз ҳам жадвалнинг анчагина юқори қисмидан ўрин эгалладилар.

Тошкент вакиллари 1996 йили худди шу ерда Осей шахарлари мусобақасида олтин кубокни қўлга кириштиганини мамнуният билан эслаб ўтиш лозим.

Мамажон МУХИДДИНОВ.

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

ОЛИМПИАДАНИ КЎЗЛАБ...

Яна озгина фурсатдан сўнг мамлакатимиз терма командаси навбатдаги жаҳон шахмат Олимпиадасида катнашиш учун Калифорнияда бўлиб ўтган Элиста шаҳрига йўл олади.

Мусобақанинг Элистада ўтказилишининг сабаби шуки, бу кичик республика Президенти айни чоғда Халқаро шахмат федерациясининг ҳам президенти бўлиб, бундай улкан тадбир учун зарур бўлган маблағни тўплашда Кирсан Илюмжонов катта жонбозлик кўрсатди. Ҳа, бир неча миллион доллар талаб этилади бунинг учун.

Бундай нуфузли анжуманларга тайёргарлик қўришининг бир қанча усуллари орасида ўз куч-маҳоратларини амалий турнирларда синаш чамаси вакилларимизга мақбул йўлдир.

Бельгия ва Германиядаги халқаро турнирлардаги галабалари халқаро грессейстер Сайдали Йўлдошев учун, Эрондан Осей чемпиони бўлиб қайтиш Рустам Қосимжонов учун, Абу-Дабидан халқаро турнир голиблари даражасида келиш Дмитрий Каюмов билан Сергей Загребельний учун ана шундай тайёргарлик вазифасини ўтади. Энди улар қолган вақтда илоҳи борича ўзларига дам беришлари лозим.

Иззат АХМЕДОВ.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, ҳаршанба
ва ҳуҷа
қўнлари тўққан.
Нашр қўрайлик
209

Нашрни етказиб бериш
масаладари бўйича турар
жойлардаги почта
буғимларига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.

Халқимизда ҳеч бир тўю тантана карнай-сурнайсиз ўтмайди. Кунинг кеча шахримизнинг сўлим гўшаларидан бирига айланган Мирзо Улугбек номи богда бўлиб ўтган ажойиб тадбирга ҳам барчани карнай-сурнай ва ногора садолари чорлади. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, ёпиқ турдаги «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти, «Даврий нашрлар» матбуот тарқатиш агентлиги ҳамда «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи ҳамкорлигида уюштирилган анжуман — «Матбуот-99» деб номланди.

Тадбирда ўз фикрларини қатнашчиларга баён этган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази директори Акмал Саидов, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи бош муҳаррири Михаил Перперлар ушбу тадбирнинг аъзонавий бўлиб қолиши, бугун ҳар бир газета ва журнал ўз муштарийсини топиши, ўз ўқувчисининг кайфиятини билиши лозимлигини алоҳида ўқитиб ўтди.

Газета ва журналлар фаолиятларини ёритувчи суратли лавҳаларини ўзлар учун ажратилган жойларда намойиш этишган таҳририятларнинг зукко журналистлари муштарийларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш билан бирга, уларнинг

фикр ва мулоҳазаларини ёзиб олдилар. Биз тадбир қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларини билишга қизиқдик: ● **Васида МАДИМАРОВА:** «Biznes Osiyo» ҳафтаномаси муҳаррири: — Барча соҳалардаги сингари газета ва журналлар ўртасида ҳам рақобат қизғин тус олган бугунги кунда бу тадбирнинг ўтказилиши жуда муҳим деб ўйлайман. Чунки бу ерда ҳар бир нашр ўз кайфиятини ҳамда ўз ўқувчиси



«БОИНГ»ДА УЧГАН МУШУК

Америкадаги эропортлардан бирида хизмат қилувчи кишининг «Феникс» лақабли мушуги йўқолиб қолди. Орадан анча вақт ўтиб, мушукнинг топилишидан умиди узилганда «Боинг-747» самолётининг юкхонасини бўшаётган ишчилар «миёв»лаган товшуни эшитиб қолди. Тугунлар орасидан катта қора мушук кўзлари қамашиб чиқиб келди.

«Феникс» ҳаммаси бўлиб 290 минг километр масофани учиб ўтибди. Унинг бу пайтда нима билан овқатлангани айтиш қийин. Ҳар ҳолда

авиалайнер юкхонасида сичқонлар йўқ эди. неча қўшнилари хонадонлари сув тошқинидан жиддий зарар кўрди. Тиш докторининг анча-мунча жарима тўлашига тўғри келди. Суғурта идораси ҳодимлари эса Борнеманинг омади бор экан дейишмоқда. Агар илон совуқ сув ўрнига иссиқ сувни очиб юборганида борми, бечора доктор бундан ҳам кўп пулга тушган бўларди.

Бир кун хўжайин ўз илонини ваннахонада қолдириб, бир неча кунга хизмат сафарига кетди. Илон қандайдир йўл билан совуқ сув жўмғарини бурашга муваффақ бўлган.

Натижада Борнеманинг ва пастки қаватдаги бир

Ажойиботлар

неча қўшнилари хонадонлари сув тошқинидан жиддий зарар кўрди. Тиш докторининг анча-мунча жарима тўлашига тўғри келди. Суғурта идораси ҳодимлари эса Борнеманинг омади бор экан дейишмоқда. Агар илон совуқ сув ўрнига иссиқ сувни очиб юборганида борми, бечора доктор бундан ҳам кўп пулга тушган бўларди.

СОҲИБИГА ТАШВИШ КЕЛТИРГАН ИЛОН

Фарбий Германиянинг Вильгельмсхафен шаҳрида яшовчи тиш доктори Алоиз Борнеманинг уйида унча катта бўлмаган илон яшайди. Бир кун хўжайин ўз илонини ваннахонада қолдириб, бир неча кунга хизмат сафарига кетди. Илон қандайдир йўл билан совуқ сув жўмғарини бурашга муваффақ бўлган.

Натижада Борнеманинг ва пастки қаватдаги бир

БОШ МУҲАРРИР УРИНБОСАРИ СОПИХ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР

АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Очиқ турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти уч йўналишли радиоэшитиришларни сизларга таклиф этиш бахтига мўяссардир.

«Маяк», «Тошкент», «Дўстлик», «Мададор» ва бошқа қўллаб радиоканаллар сизларнинг хизматингизда бўлади.

Уч йўналишли радиоэшитиришларни уйингизда ёки идорангизда ўрнатсангиз;

— Биринчидан, сиз ҳамма вақт Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси ва бутун дунёда бўлаётган энг сўнги янгиликлардан бохабар бўласиз;

— Иккинчидан, нархи қиммат бўлган радиоприёмникларни сотиб олишда пулларингизни тежасан бўласиз;

— Учтинчидан, Тошкент шаҳар радио тармоғининг юксак касб маҳоратида эга бўлган мутахассислар сизларнинг хизматингизда бўлади;

— Туртинчидан, фақат ана шу тўққизлардагина очик турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти ўз мижозларига мурожаат қилади.

Сиз бизнинг рекламаларимизни, эълонларимизни эшитишнинг мумкин, энг муҳими акциядорлик жамияти раҳбарлари билан абонентларнинг тўғридан тўғри ўтказиладиган мулоқотларининг бевосита иштирокчисига айланишнинг мумкин.

Тошкент шаҳар радио тармоғи манзили: Чилонзор даҳаси, «Ц» мавзеси, 76-АТС. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона: 76-03-28, абонентлик бўлими: 76-18-00, таъмирлаш бюроси: 76-02-06. Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акциядорлик жамияти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»